Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2023-YIL 20-OKTABR, JUMA

№ 42 (1457)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ:

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ



Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси давлат энергетика бошқармаси ўртасида қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳукуматлараро битим имзоланди.

Ушбу битим қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Битим доирасида “яшил ривожланиш”га ўтишни тезлаштириш, электр узатиш тармоқлари, қайта тикланувчи энергия манбалари учун бутловчи қисмларни қуриш ва модернизация қилиш, қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида илмий-техник базани ривожлантириш ва қўшма тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилган.

Шунингдек, қайта тикланувчи ҳамда қуёш ва шамол энергетикасини кенг миқёсда ривожлантириш, иштирокчи давлатлар аҳолиси фаровонлигини янада ошириш мақсадида энергия тежовчи технологиялар ва тизимларни кенг жорий этиш каби вазифалар ҳам ҳамкорликда бажарилади.

Томонлар битимни Пекин шаҳрида ўтказилган “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форуми доирасида имзолади.

ЎзА




ЭЛБЕК

ТИЛ

Мунгли қушим, сайраб-сайраб кел, англат,
Кимлар эрур Турк тилини сотғучи?
Булбул каби сайраб турган бу тилни
Уялмайин бу ўлкадан отғучи?
Болдай тотли, жондан азиз туркчани
Тушунмайин, хўрлаб-хўрлаб ётғучи?
Мунгли қушим, уларни қўй, сен сайра!
Турк тилининг донғин чиқар кўкларга!
Қўй уларни, улар йўлдан озсинлар,
Эл ичида бўш бўғузлик сотсинлар!

Муносабат

Самарқанд — ЖАҲОН ФОРУМЛАРИ МАРКАЗИ



Шу кунларда Самарқанд шаҳри яна бир нуфузли халқаро анжуман – Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессиясига мезбонлик қилмоқда. Унда 140 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этмоқда.

ЮНВТО ўзининг бош тадбири учун Самарқандни танлаб олгани бежиз эмас, бунда чуқур рамзий маъно бор. Ушбу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар азал-азалдан тарихий учрашувлар ва цивилизациялар алмашинуви маркази бўлиб келган. Бу ерда турли маданиятлар ўзаро учрашиб, бир-бирини тўлдириб, бойитиб келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунга мисол сифатида ўрта асрларда фаолият юритган Буюк ипак йўлини эслашнинг ўзи кифоя.

Ҳозирги кунда ҳам “Шарқ гавҳари” бўлмиш Самарқанд мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ва дипломатик ташаббусларини илгари суриш учун ўзига хос платформа вазифасини ўтамоқда. Сўнгги йилларда бу ерда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор тадбир ва анжуманлар ўтказилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Масалан, “Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро конференция (2017 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми (2018 йил), Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми (2020 йил), ШҲТ давлат раҳбарлари саммити (2022 йил) каби қатор йирик форумлар айнан Самарқандда ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ЮНВТОнинг Самарқанд анжуманига қизғин тайёргарлик кўрилди. Саммит доирасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари бўйича сайёҳлик потенциалини намойиш қилувчи кўргазманинг ташкил қилингани айни муддао бўлди. Бу кўргазма анжуманга ташриф буюрган меҳмонларда Ўзбекистон, унинг бетакрор ва ноёб дурдоналари ҳамда туристик имкониятлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.



Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

2

Қадринг баланд бўлсин, ОНА ТИЛИМ!

Ўқитувчи ўз соҳасининг, врач ўз соҳасининг, ёзувчи ўз соҳасининг, маданият ходими ўз соҳасининг, маҳалла, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, партия аъзолари ўз соҳасининг газетасини ўқимаса, ким ўқийди?

Орамизда “мажбурий обуна йўқ!” деган баҳона бор. Хўп, мажбурий обуна ташкилот-муассасада ишламайдиган кишиларга йўқдир! Лекин соҳа эгаси китоб ўқимаса, газета ўқимаса, нима деган гап?! Унда хилма-хил газета-ю, китоблар ким учун чоп этиляпти?

Ўзимиз ўқимаслик касалига мубтало бўла туриб, болаларимизни бу касалдан қандай қутқара оламиз? Қўлида “олий маълумотли” эканини тасдиқловчи дипломи бўла туриб, фикрини ифодалай олмайдиган, ўқишга вақт тополмайдиган, муомала маданиятидан йироқ, фикри саёз, ўз тилини унутган кишилар билан муаммоларга ечим топа оламизми?

5

Семинар

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ

мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтирилмоқда

Кейинги йилларда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш мақсадида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.



Шу боис парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятида сиёсий партияларнинг ролини янада кенгайтириш, вакиллик органларига сайланган депутатлар ва сенаторларнинг парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятидаги масъулияти ва фаоллигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш ва марказлашган сайлов органлари тизимини шакллантириш, уларнинг профессионал тайёргарлигини таъминлаш зарурияти юзага келмоқда.

2023 йил 11 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шу муносабат билан Хоразм вилоят ҳокимлигида Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига содда ва равон тилда етказиш бўйича Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги вакилларидан иборат Тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан семинар ташкил этилди.

Тадбирда қонун лойиҳаси билан Сайлов кодексига ҳамда 7 та қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унда навбатдаги сайловлар илк маротаба мажоритар-пропорционал (аралаш сайлов) сайлов тизими асосида ўтказилиши назарда тутилганлиги ҳамда Конституциявий қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказишни, шунингдек, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантиришни, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштиришни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси (ID-87283) жорий йил 10 октябрь куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz) жойлаштирилди.

Ушбу Конституциявий қонун лойиҳасида иккита муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 129-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси бошчилик қиладиган марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизимини ташкил этиш, иккинчидан, мамлакат сайлов тизимига аралаш (мажоритар, пропорционал) сайлов шаклини жорий этиш ва шу орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини аралаш сайлов тизими асосида ўтказишни назарда тутувчи янги ва демократик нормаларни мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва амалиётига татбиқ этиш назарда тутилган.

Мазкур Конституциявий қонун лойиҳасида назарда тутилган, мамлакатимизда марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизимини шакллантиришга қаратилган нормалар халқаро сайлов стандартлари талабига, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига тўла мос келади ва ушбу долзарб нормаларнинг миллий сайлов қонунчилигида ўз аксини топиши, келгусида мамлакатимизда барча даражадаги сайловлар ва референдумни Конституция, сайлов ва референдумга оид қонунларга мувофиқ тарзда, юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда ўзининг ижобий самарасини беради.

Самарқанд — ЖАҲОН ФОРУМЛАРИ МАРКАЗИ

1

Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Президент ўз чиқишида мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги ютуқлари билан ўртоқлашар экан, бу борадаги истиқболли вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. У ўз нутқида туризмнинг нафақат кўҳна тарихий обидалар йўналишида, балки зиёрат туризми, “яшил”, яъни экологик туризм, инклюзив туризм каби йўналишларини ривожлантириш долзарблигини ҳам қайд этди. Мамлакатимиз етакчиси ЮНВТО доирасида хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқишни таклиф қилди ҳамда яқинда Самарқандда очилган туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича дунёда ўхшаши йўқ ЮНВТО Халқаро туризм академиясида мутахассисларни ўқитиш учун махсус грантлар ажратилишини эълон қилди.

Мамлакатимиз етакчиси, айниқса, Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан туризм соҳасида ҳамкорликда турли лойиҳаларни йўлга қўйиш яхшигина истиқболга эгалигини алоҳида таъкидлади. “Марказий Осиё давлатлари билан қўшма сайёҳлик йўналишларини яратиш масалалари диққат марказида бўлади”, деди Президент.

Бир сўз билан айтганда, ушбу нуфузли халқаро анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши ва унда Ўзбекистон ташаббусларининг эълон қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимизнинг халқаро обрў-нуфузини мустаҳкамлашга ва пировардида, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган. Эндиги вазифа ушбу ташаббусларни ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этишдан иборат. Бу, биринчи галда, давлат бошқаруви органлари, хусусан, ижро ҳокимиятидан барча имкониятларни сафарбар қилишни, депутатлардан эса бу борада депутатлик ва парламент назоратини кучайтиришни тақозо этади.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси

Айни кунларда жойларда кўчат экиш ишлари олиб борилмоқда. Андижонлик “адолатчилар” ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, манзарали дарахт кўчатлари ва гул кўчатлари экишмоқда.

Она табиатни севсангиз, кўчат экинг



Кўча ва хиёбонлар, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳудудидаги бўш ер майдонларига турли манзарали ва игна баргли кўчатлар экилаётгани қувонарли. Чунки бу юрт ободлиги, табиатнинг тозалигига хизмат қилиш баробарида келажак авлодни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

– *Бутун республикамиз бўйлаб қулоч ёзган бу хайрли иш доимий давом этиши керак,* – дейди “Ёш адолатчи Бекзод Муталлибов. – *Оиламизда ҳамма гул парвариш қилишга қизиқади. Обод жойлар кўпайса, дилингиз яйрайди. Шу сабаб МФЙлар ва таълим муассасаларига 3000 тупдан ортиқ хонадонимизда етиштирилган гул кўчатларини улашдик. Юрт ободлигига ҳисса қўшганимиздан хурсандмиз.*

Эндиги вазифа янги ўтқазилган кўчатларни парваришлаб вояга етказиш, ёшларда она табиатни севишга, меҳнат тарбиясига қизиқиш уйғотиш. Бу борада жойларда партия фаоллари тарғибот ишларини олиб бормоқда. Агар табиатни севсангиз, сиз ҳам кўчат экинг.

Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати

Бугуннинг гапи

Барқарор ривожланиш гарови

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари орқали ичимлик суви камайиб кетди, мутасаддилар бунинг чорасини кўрмаяпти, деган гапларни кўп эшитамиз. Шу ўринда “Ўзимиз сувдан тежаб фойдаланяпмизми, унинг қадрига етаяпмизми?” деган ҳақли савол туғилади.



Дилрабо ХОЛБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиши, миллий иқтисодиёт турли тармоқларининг жадал ривожланиши ва уларнинг сувга бўлган талабининг ортиши туфайли республикада сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда суғориш ва экологик мақсадлар учун сувга эҳтиёж тўлиқ кондирилмаяпти. Сув истеъмолининг кўпайиши ва манбаларнинг ифлосланиши чучук сув захираларининг камайишига олиб келади. Юртимизда мавжуд чучук сув ҳажмининг қисқариши туфайли сув танқислиги ва қурғоқчилик хавфи сезиларли даражада ошмоқда.

Мамлакатимизда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Барча ҳудудларда фермер хўжаликлари вакиллари учун суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш механизмлари бўйича семинарлар ўтказиляпти.

Мазкур технологияларни жорий этишни янада рағбатлантириш мақсадида 2023 йилда сувни тежаш тизими жорий этилган ғалла ва сабзавот майдонларининг ҳар бир гектари учун субсидиялар миқдори 1 миллион сўмдан 8 миллион сўмгача оширилди. Шунга қарамай, нафақат фермер хўжаликлари, балки аҳоли ўртасида ҳам сувдан оқилона фойдаланишнинг ҳаётий зарурлигини тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурати бор. Бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Аҳолининг сув билан таъминланганлик ҳолати аҳоли турар-жойлари ва улардаги турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Қувурли ичимлик сувининг асосий истеъмолчиси сифатида аҳоли сувни тежаш жараёнида муҳимроқ роль ўйнаши керак.

Лекин ҳозирги вақтда кўплаб шаҳарларда аҳолининг сувни тежаш муаммосига пассив муносабати мавжуд. Шу сабабли бугунги кунда сув тарифларини шакллантиришда бозор муносабатларига ўтиш муаммоси жуда долзарб. Асосий масала шундаки, амалдаги тариф 3 йилдан буён ўзгаришсиз, оширилмасдан келмоқда. Аммо бугунга келиб ичимлик суви таннархини белгиловчи омиллар – электр энергия, солиқ тўловлари қиймати ошгани сабабли аҳолига берилаётган ичимлик суви учун ҳозирги тўловлар ўз харажатини қопламай келмоқда.

Шу боис, яқинда Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятида ичимлик суви ва оқова хизматлар бўйича янги тарифлар тасдиқланганди. Андижон вилоятида эса 19 сентябрда тасдиқланган тарифларга кўра нархлар ўзгарган. Пойтахт аҳолиси учун бир метр куб сув нархи 1400 сўм (амалда 400 сўм), оқова сув нархи эса 1000 сўм этиб белгилаш бўйича таклифлар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига тақдим этилди.

Хўш, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ким томонидан тасдиқланади? Бунда ҳудудларнинг географик жойлашуви ҳам эътиборга олинадими?

Албатта, бу жиҳатларга алоҳида эътибор берилади. Яъни, сув манбаларидан аҳоли пунктларигача бўлган масофа, электр энергияси сарфи, сув манбаларининг лойқа-тиниқлиги, чучук ва шўрлиги, қаттиқлик даражасига қараб қайта ишлаш ва бошқа харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида турлича белгиланади. Асосий мақсад эса барча ҳудудларда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражасини оширишдир.

Бунинг учун, энг аввало, ичимлик суви ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлари барпо этилиши, жорий ва капитал таъмирлаш, тизимни модернизация қилиш ишлари бажарилиши мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, катта сарф-харажат талаб этади.

Мухтасар айтганда, ҳозирда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари учун янги тарифлар тасдиқланмоқда. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши гаровидир.

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бизнес омбудсман мақомини аниқлаштириш назарда тутилмоқда

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг давлат органи сифатидаги мақомини аниқлаштириш назарда тутилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини қайд этган ҳолда, қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди.

Тадбиркорларнинг одил судловга мурожаат этиш имкониятлари кенгайди, давлат органлари билан низоларни судгача ҳал этиш йўлга қўйилди ҳамда бошқа муқобил институтлар ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини судгача ҳал этиш мақсадида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девонининг ҳуқуқий мақомини қонун даражасида мустаҳкамлашга ҳамда унинг давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда кўтарилган саволлар, турли таклифлар юзасидан ташаббускорлардан атрофлича жавоблар олиниб, қонун лойиҳаси маъқулланди.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан анъанавий тарзда “ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА” лойиҳаси доирасида “КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНИ” кўрик танлови ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда кўрик-танлов 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ Референдумида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси асосида ташкил этилади.

Кўрик-танловнинг мақсади ёшларнинг Конституция бўйича билимларини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаб, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда “Адолат” СДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишдан иборат.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 24 октябрь – 4 ноябрь кунлари оралиғида Республика бўйлаб барча коллеж, техникум ва ОТМлар тасарруфидаги академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари орасида туман босқичида иштирок этиш учун саралаш босқичи ўтказилади.

Кўрик-танлов партия тизимида уч босқичда ўтказилади:

1-босқич: саралаш (туман, шаҳар) босқичи ***(4 – 14 ноябрь оралиғида);***

2-босқич: ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқичи ***(15 – 25 ноябрь оралиғида);***

3-босқич: якуний (республика) босқичи ***(25 ноябрь – 5 декабрь оралиғида).***

Мазкур кўрик-танловда барча профессионал таълим муассасалари ва олий таълим муассасалари тасарруфидаги академик лицейларнинг **1 нафар 2-босқич** ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

Азиз ёшлар, юртимиздаги ислоҳотларга бефарқ бўлманг, Конституция бўйича билимларингизни синаб кўринг.

(Кўрик-танловда иштирок этиш учун маҳаллий партия кенгашларига мурожаат қилишингиз ва Низомга асосан талаб этиладиган ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим.)

БИЛИМЛИ ЁШЛАР – ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мамлакатимизда биринчи маротаба бундай узоқ муддатга, яъни 7 йилга мўлжалланган миллий тараққиёт стратегияси ҳисобланади. Ушбу стратегия халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини намоён этиш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шунингдек, кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга хизмат қилади. Яъни, бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ўзида ифодалаган ҳужжатдир. Мазкур стратегияни амалга ошириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг энг устувор вазифаси ҳисобланади.

Шахноза СОАТОВА,
“Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгаши бош мутахассиси

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасининг 6-бандида умумий ўрта таълим муассасаларида юқори синф ўқувчиларининг қобилияти ва танлови асосида таълим жараёнларини ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, “Адолат” социал-демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши, партия депутатлари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан ишчи гуруҳлари тузилиб, умумий ўрта таълим мактабларида таянч ўқув режаси ҳамда амалда мавжуд синфларда кимё-биология, физика-математика, она тили-чет тили, математика-чет тили йўналишларида ўқув режасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда 2023-2024 ўқув йилида танлаб олинган умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов тариқасида танлов фанларининг жорий қилинганлиги ҳолатлари ўрганилди.

Ишчи гуруҳлари томонидан Жиззах вилоятидаги 10 та умумтаълим мактаблари, яъни Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов, Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор, Мирзачўл, Фориш ҳамда Пахтакор туманларидаги мактаблар ўрганилди. Таянч ўқув дастури асосида вилоят бўйича 11 та синф ташкил этилган бўлиб, жами синфларга қамраб олинган ўқувчилар сони 286 нафарни ташкил қилади.

Ишчи гуруҳлари томонидан вилоятдан танлаб олинган мактабларда тажриба-синов асосида ташкил этилган синфлар ҳолати, таянч ўқув дастурининг татбиқ этилиши учун шарт-шароитлар яратилганлиги, моддий-техник ҳолати, ўқитувчиларнинг билим ва малакаси етарлилиги, адабиётлар ёки методик қўлланмалар билан таъминланганлиги, шунингдек, ташкил этилган таянч ўқув дастурлари ўқувчилар томонидан қандай қабул қилинаётганлиги ҳолатлари кенг қамровда ўрганиб чиқилди. Жиззах вилояти бўйича таянч ўқув дастури асосида ўрганилган 13-, 36-, 6-, 22-, 44-, 3-, 18-, 9-, 12-, 1-сонли умумтаълим мактабларида фақат 10-синф ўқувчилари учун дарслар ташкил этилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, ўрганиш жараёнида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган тақвим бўйича мавзу режалар белгилаб берилганлиги аниқланди ҳамда Республика Таълим маркази томонидан фан ўқитувчиларига узлуксиз методик ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш учун фанлар кесимида Телеграм гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, мазкур гуруҳларга белгиланган 10 та мактабнинг тегишли йўналиш бўйича фаолият олиб борадиган фан ўқитувчилари аъзо бўлишлари таъминланган.

Таянч ўқув дастури асосида белгиланган умумтаълим мактабларида барча шароитлар яратилган. Масалан, ўрганилган барча 10 та умумтаълим мактабларининг кимё-биология лаборатория хоналари кимёвий лаборатория жиҳозлари, яъни тарози, кимёвий моддалар, микроскоплар, шиша колбалар, тажриба ўтказиш учун махсус столлар билан ҳамда биология лаборатория хоналари микроскоплар, лупалар, ўсимликлар, ҳайвонлар скелетлари, махсус колбалар, идишлар ҳамда лаборатория столлари билан жиҳозланган.

Физика лаборатория хоналари ҳам турли тарозилар, жисмлар ҳамда планеталарнинг кичик ҳажмдаги макетлари, электрон доска билан таъминланган.

Шу билан биргаликда, чет тилларини ўқитиш учун синф хоналари лингофон аппарати, электрон доска, телевизор ҳамда зарурий видеороликлар билан таъминланган.

Вариатив синфларга дарс ўтиш учун ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинган бўлиб, уларнинг малака тоифалари яна бир бор синовдан ўтказилган, яъни малака тоифаси, иш стажи ва тажрибасининг шаҳар, туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилганлиги ўрганиб чиқилиб, педагогика Кенгаши қарори билан тасдиқланиб, дарс ўтиш учун тавсия қилинган.

Қолаверса, ушбу ташкил этилган таянч ўқув дастурлари ўқувчилар ва ота-оналар томонидан ижобий қабул қилинган. Мазкур таянч дастурлари асосида ўтилаётган дарсларга ота-оналар, малакали ўқитувчилар таклиф этилиб, дарслар таҳлил қилинган ва дарс таҳлиллари асосида ўқув режаси ва дарс машғулотлари ижобий баҳоланган. Шунингдек, таянч ўқув дастурларига мувофиқ ҳар ҳафта ушбу синфларга қўшимча 3-5 соатдан дарс ўтиш белгиланган.

Айни пайтда ишчи гуруҳи томонидан таянч-ўқув дастурлари асосида ўқитилаётган баъзи мактабларда фанлар бўйича кўргазмали қуроллар ва айрим ўқув адабиётлари етарли эмаслиги аниқланди.

Вариатив ўқув режаларини жорий қилишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг ўзи қизиққан фанларни чуқур ўрганишига шароит яратиш, мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртига кириш имтиҳонига тайёргарлик кўришини таъминлаш ва юқори синфларда ўқув жараёнини касбларга йўналтирган ҳолда ташкил этишдан иборатдир. Зеро, ҳар қандай давлатнинг жадал ривожланиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътиборга боғлиқ.

Депутат минбари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи ортиб бормоқда. Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Давлат тилини ривожлантириш асослари



Таваккал ЧОРИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Жамоат хавфсизлиги университети «Тилларни ўрганиш» кафедраси профессори

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратаётгани табиийдир. Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёркин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили ҳам жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Давлат тилига бўлган эътиборни янада кучайтириш, уни ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида 2019 йилнинг 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, юртимизда Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди, шунингдек, бир қатор истиқболли ҳамда стратегик ишлар белгиланди. Хусусан,

- лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;
- илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш;
- замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш;
- географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;
- ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш;
- давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;
- давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш;
- таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;
- давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш;
- тил сиёсатининг барқарорлиги ва давомийлигини изчиллик билан олиб бориш мақсадида «2020—2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқиш каби қатор масалалар муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур ишлар ижросини таъминлаш мақсадида «2020—2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси» ишлаб чиқилди. Мазкур концепцияда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, шунингдек, давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби стратегик аҳамиятга эга ишлар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Кўпмиллатли халқимиз орасида миллатлараро ҳамжиҳатлик ва дўстона муносабат барқарор. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Ҳудудлардан хабарлар

Халқ депутатлари Нурота туман Кенгаши депутати Санобар Бўриева “Нурфахр” маҳалла фуқаролар йиғинидаги сайловчилари билан учрашди.

Сайловчилар билан мулоқот



Учрашувда туман солиқ инспекцияси, электр тармоқлари корхонаси, бандликка кўмаклашиш маркази ва ободонлаштириш бўлимларидан мутасадди ходимлар, ҳудуд аҳолиси ва оқсоқоллар иштирок этишди.

Тадбирда ичимлик суви, табиий газ, ҳудуддаги 6-сонли умумтаълим мактаби олдига йўл белгиларини ўрнатиш, ёшларнинг тадбиркорлик йўналишларида иш бошлаши учун кредит олишдаги муаммоларини ҳал этиш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Аҳоли томонидан кўтарилган муаммолар тегишли масъуллар иштирокида ўрганилиб, фуқаролардан тушган саволларга жавоблар берилди.

Учрашув сўнггида ечимини кутаётган муаммолар депутат сўровлари орқали тегишли мутасаддиларга етказилиши билдирилди.

– Ўтган йил қиш мавсумининг ниҳоятда совуқ келиши маҳалла аҳолисини анча-мунча ташвишга қўйган эди. Шу сабабли соҳага масъул бўлган идора вакиллари билан аҳолининг бундай юзма-юз учрашув ўтказиши муҳим аҳамиятга эга бўлди, фуқаролар ўзларини қийнаётган саволларга жавоб олишди, – дейди “Нурфахр” МФЙ раиси Сафар Раҳимов.

Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

Эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олди

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Мурод Ғуломов Нурафшон шаҳар “Тараққиёт” маҳалласи аҳолиси билан учрашди.

Депутат учрашув иштирокчиларига янги қонунлар, уларнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берди. Шунингдек, “Адолат” социал-демократик партияси дастурий мақсад-вазифалари ҳамда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Учрашув давомида аҳоли вакиллари депутатга ўзларини қийнаётган турли масалалар юзасидан мурожаат қилди.

Депутат мурожаатларни ўрганиб чиқиб, тегишли тартибда ҳал қилинишини билдирди. Шунингдек, депутат маҳалланинг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларида бўлиб, уларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганди. Стас Станислав, Некита Потапов ҳамда Ўлмасой Исҳоқовага ўз маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатди.

Тошкент вилояти кенгаши матбуот хизмати

БПТ аъзолари болажонлар ҳузурида

Болалар – оила қувончи, беғуборлик тимсоллари. Уларнинг кулгулари барчага яхши кайфият улашса, бетобликлари ҳаммани бирдек ташвишга солади. Шу сабаб барчамиз уларга парвонамиз, меҳримизни берамиз.



“Адолат” СДПнинг Андижон давлат тиббиёт институтидаги бошланғич партия ташкилоти аъзоларини ана шундай эзгу мақсад Андижон шаҳрида жойлашган болалар шифохонасига бошлади. “Адолатчи” шифокорлар ва талабалар бемор болалар билан суҳбатлашиш билан бирга уларнинг саломатликларини ўргандилар. Болажонларга соғлом турмуш тарзи ва инсон саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг роли ҳақида тушунча берилди.

Тадбир ташкилотчилари томонидан тайёрланган совғалар болажонларга манзур бўлди. Ширинлик ва ўйинчоқлар билан бирга меҳр улашилганда даврага янада файз кирди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

“ADOLAT” шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси (ID-87283) жорий йил 10 октябрь куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.gov.uz) жойлаштирилди.



САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ янада халқчил ва демократик нормалар билан бойитилмоқда

Худоёр МАМАТОВ,
Марказий сайлов комиссиясининг котиби, юридик фанлар доктори, профессор

Ушбу Конституциявий қонун лойиҳасида иккита муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 129-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси бошчилик қиладиган марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизимини ташкил этиш, иккинчидан, мамлакат сайлов тизимига аралаш (мажоритар, пропорционал) сайлов шаклини жорий этиш ва шу орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини аралаш сайлов тизими асосида ўтказишни назарда тутувчи янги ва демократик нормаларни мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва амалиётига татбиқ этиш назарда тутилган.

Сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янги тараққиёт босқичида сайлов қонунчилиги ва амалиётига жорий этилиши назарда тутилган ушбу Конституциявий қонун лойиҳасида акс этган ҳар иккала масаланинг ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этган ҳолда, ушбу мақоламизда биринчи масала, яъни, Марказий сайлов комиссияси бошчилик қиладиган марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизимини ташкил этишнинг аҳамияти ва зарурати ҳақида фикр билдиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Демак, сайлов комиссиялари тизими такомиллаштирилиб, бундан буён мамлакатимизда сайлов комиссиялари тизимини — Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари, туман-шаҳар сайлов комиссиялари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари, шунингдек, участка сайлов комиссиялари ташкил этиши ҳамда ушбу вертикал тизимга Марказий сайлов комиссияси бевосита бошчилик қилиши белгиланмоқда.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумида умумхалқ овоз бериши орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 129-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилиши, ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига амал қилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, муҳокамага тақдим этилган Конституциявий қонун лойиҳасида назарда тутилган, Сайлов кодекси ва Референдумга оид қонунга киритилаётган мамлакатда марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартиришлар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларини сайлов ва референдум қонунчилигига жорий этиш орқали мавжуд бўшлиқларни тўлдириш ва тафовутларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамият касб этади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари ва экспертларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан 2022 — 2023-йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Халқ депутатлари вилоят (туман-шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан Сайлов кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилишини, маҳаллий Кенгашларнинг бўшаб қолган ўринларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини, шунингдек, сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолатини” мониторинг қилиш мақсадида ўтказилган ўрганишларида айрим камчиликлар, жумладан, сайлов қонунчилигини амалиётда қўллашда жойларда турлича ёндашув шаклланганлиги, ягона намунадаги сайлов ҳужжатлари йўқлиги, уларни шакллантириш, юритиш ва сақлаш амалиётида ҳам турлича ёндашувлар мавжудлиги аниқланди.

Марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизими жорий этилиши натижасида, сайлов комиссиялари ва бошқа ташкилотчилар томонидан келгусида барча босқичдаги сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда миллий сайлов қонунчилигининг бир хилда қўлланилиши ва демократик сайлов стандартларига асосланган ягона сайлов амалиёти шаклланишида ижобий натижа беради ҳамда юқоридаги каби камчиликларни тубдан бартараф этиш имкониятини вужудга келтиради.

Яна бир янги нормага кўра Марказий сайлов комиссияси доимий асосда фаолият юритувчи тўққиз нафар аъзодан иборат таркибда фаолият юритиши белгиланмоқда.

Амалдаги Сайлов кодексининг 12-13-моддаларида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилиши, Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси ушбу комиссиянинг қарорига биноан комиссияда доимий асосда ишлаши мумкинлиги ва Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишловчи комиссия аъзоларининг сони кўпи билан етти кишидан иборат бўлиши белгиланган.

Юқоридаги норма талабига мувофиқ бугунги кунда, Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Олий Мажлис палаталари томонидан 21 нафар аъзодан иборат таркибда тузилган бўлиб, уларнинг 7 нафари доимий асосда, 14 нафари жамоатчилик асосида фаолият юритиб келмоқда.

Жамоатчилик асосида фаолият юритаётган комиссия аъзолари турли вилоятларда давлат бошқарув органлари, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда раҳбар лавозимларида ишлаб келаётганликлари туфайли:

биринчидан, *уларни сайлов ёки референдум кампанияси даврида Марказий сайлов комиссияси йиғилишлари, тадбирларига жалб этишда муайян қийинчиликлар туғилади;*

иккинчидан, *уларнинг ўзлари раҳбар бўлиб ишлаётган ташкилот ёки муассаса фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга ҳам муайян даражада салбий таъсир қилиши мумкин;*

учинчидан, *Конституциямизга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принципларидан бири бу – мустақиллик ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда комиссиянинг жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган аъзоларининг асосий иш жойи бошқа давлат органлари, ташкилотлари ёки муассасалари эканлиги демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллигини муайян даражада чекланишига олиб келади;*

тўртинчидан, Сайлов кодексига асосан Марказий сайлов комиссияси зиммасига жуда муҳим вазифа ва ваколатлар юклатилган бўлиб, Комиссиянинг жамоатчилик асосидаги аъзолари ўртасида ушбу вазифаларнинг тақсимоти чекланган бўлиб, оқибатда бу муҳим вазифа ва ваколатлар ижросини таъминлаш масъулияти тўлиғича комиссиянинг доимий асосда фаолият юритадиган аъзолари зиммасига тўғри келади.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкин:

- Марказий сайлов комиссиясининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари институтининг тугатилиши ва марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизими жорий этилиши;

- Марказий сайлов комиссиясига ҳудудларда ташкил этиладиган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга ҳамда қуйи турувчи сайлов комиссиялари фаолиятига умумий бошчилик қилиш бўйича қўшимча вазифа ва ваколатларнинг юклатилаётганлиги ва шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари сони 7 нафардан 9 нафаргача кўпайтирилаётганлиги ва Комиссиянинг камида бир нафар аъзоси Қорақалпоғистон Республикаси вакили бўлишининг белгиланаётганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, амалиётда мавжуд камчиликларни бартараф этишга, шунингдек, энг муҳими, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг профессионаллик даражаси янада юксалишига, тўлиқ мустақиллигининг таъминланишига, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларнинг унумли тақсимланишига, пировард натижада, Комиссия фаолиятининг самарадорлиги ортишига ҳамда қабул қилинадиган қарорларининг янада мукаммал бўлишига хизмат қилади.

Қийёслаш учун хорижий давлатлар сайлов қонунчилиги ва амалиётига эътибор қаратилса, таҳлил этилган йигирмадан ортиқ хорижий давлатларда, жумладан, Молдовада 9 нафар, Латвияда 9 нафар, Қозоғистонда 7 нафар, Озарбайжонда 18 нафар, Украинада 17 нафар аъзодан иборат Марказий сайлов комиссияси тузилади ва доимий асосда фаолият олиб боради. Ушбу давлатлар ҳудудий сайлов комиссияларида 3 нафардан 5 нафаргача, туман-шаҳар сайлов комиссияларида 2-3 нафар комиссия аъзолари доимий асосда фаолият юритади. Марказий сайлов комиссияси барча даражадаги сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилади.

Сайлов кодекси 19-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят (шаҳар) Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича вилоят (шаҳар) сайлов комиссияси тузилиши белгиланган бўлиб, амалиётда ушбу нормага асосланиб, ҳар бири 15-21 нафар одамдан иборат вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари тузилган. Бу сайлов комиссиялари тегишлича халқ депутатлари вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгашлари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Президент сайловларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Референдумига жалб этилмаган.

Бунинг учун қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссиялари тузилиб, уларга жами 266 нафар комиссия аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссиялари тузилиб, уларга ҳам жами 266 нафар комиссия аъзолари, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 150 та округ сайлов комиссиялари тузилиб, уларга жами 1500 нафардан зиёд комиссия аъзолари жалб этилган.

Конституциявий қонун лойиҳаси билан таклиф этилаётган янги нормага мувофиқ, эндиликда:

биринчидан, *вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ўрнига, ҳар бир вилоятда ва Тошкент шаҳрида ҳудудий сайлов комиссиялари тузилиши белгиланмоқда. Ушбу сайлов комиссияларига, ўзлари жойлашган ҳудудда халқ депутатлари вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгашларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Референдумини ҳам ташкил этиш ва ўтказиш ваколати берилмоқда;*

иккинчидан, *Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳудудий сайлов комиссияларининг ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси амалга ошириши белгиланмоқда;*

учинчидан, *Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Референдумини ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича Округ комиссияларини тузиш амалиёти бекор қилинмоқда.*

Бу пировард натижада, ушбу округ комиссиялари фаолиятига жалб этиладиган (икки минг нафарга яқин) комиссия аъзолари учун давлат бюджети маблағларидан сарфланадиган молиявий харажатларни, округ комиссияларини жойлаштириш учун алоҳида бинолар ажратиш, уларни зарур мебель, алоқа ва ахборот-коммуникация воситалари, транспорт билан таъминлаш харажатларини иқтисод қилиш ва инсон ресурсларидан мақсадли фойдаланиш имкониятини беради.

Қонун лойиҳасидаги яна бир муҳим янгилик, Ҳудудий сайлов комиссияларининг уч нафарга қадар аъзолари комиссияда доимий асосда фаолият олиб бориши белгиланмоқда. Сайлов кодексининг 20-моддасида ушбу Ҳудудий сайлов комиссиясининг 19 банддан иборат энг муҳим ваколатлари белгиланганлиги инобатга олинса ҳамда бу вазифаларнинг ниҳоятда масъулиятли эканлигига эътибор берилса, Ҳудудий сайлов комиссияларининг уч нафарга қадар аъзолари комиссияда доимий асосда фаолият юритсагина ушбу масъулиятли вазифаларнинг қонун талаблари асосида сифатли таъминлашига имконият яратилади, деб айтиш мумкин. Акс ҳолда, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи таркиб билан бу мақсадларга эришиш, комиссия ишини сифатли ва самарали йўлга қўйиш имконсиз бўлар эди.

Қонун лойиҳасида марказлашган сайлов комиссиялари тизимини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги нормалар ҳам акс этган:

- Марказий сайлов комиссиясининг Раиси беш йиллик муддатга сайланиши, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Марказий сайлов комиссиясининг Раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда;

- Марказий сайлов комиссиясининг, ҳудудий сайлов комиссияларининг, округ ва участка сайлов комиссияларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда;

- туман, шаҳар сайлов комиссияларининг ваколатларини белгиловчи янги нормалар билан тўлдирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида назарда тутилган, мамлакатимизда марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизимини шакллантиришга қаратилган нормалар халқаро сайлов стандартлари талабига, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига тўла мос келади ва ушбу долзарб нормаларнинг миллий сайлов қонунчилигида ўз аксини топиши, келгусида мамлакатимизда барча даражадаги сайловлар ва референдумни Конституция, сайлов ва референдумга оид қонунларга мувофиқ тарзда, юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда ўзининг ижобий самарасини беради.

Жиноятга жазо муқаррар

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас...

АЁЛ БИР ЙИЛ ИЧИДА ИККИ МАРТА ПОРА ОЛАЁТИБ ҚЎЛГА ТУШДИ

Асакалик Шаҳзодбек Салимжонов (исм-шарифлари ўзгартирилган) ***2023 йил 24 май куни майда-чуйда харид қилиш учун “Юқори Бўз” маҳалласидаги савдо дўконларидан бирига киради. Шу аснода дўкон сотувчиси Гулсиной Ғайбуллаева билан танишиб қолади ва уларнинг суҳбати қизиб кетади.***

Муҳайёхон ТУРДИЕВА,
жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг судьяси

Гап орасида Ш.Салимжонов Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимига ишга киришга қизиқиши борлигини айтади.

– Миллий гвардиянинг Андижон вилояти бошқармасида танишим бор. Хоҳласангиз, ёрдам беришим мумкин. Фақат “харажати”дан қочмасангиз бўлди, – дейди Г.Ғайбуллаева.

– Харажати қанча бўлади? – деб сўрайди йигит.

– Аслида ишингиз икки ярим минг доллар билан битади. Агар имкониятингиз бўлмаса, олдиндан минг бериб турарасиз. Қолганини имтиҳондан ўтганингиздан кейин беришингиз ҳам мумкин, – дея очиқ-ойдин, тап тортмай гапиради аёл.

– Майли, мен пулни тайёрлаб, сизга хабар қиламан.

Шаҳзод шундай деб дўкондан чиқиб кетади. Бироқ Гулсинойнинг талаби ноқонуний эканлигини ўйлаб қолади. Шу боис бу хусусда Давлат хавфсизлик хизматининг Андижон вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилади. Эртаси куни – 2023 йил 25 май куни мазкур мурожаат юзасидан тезкор тадбир ўтказилади. Аниқроғи, Г.Ғайбуллаева соат 10:00ларда Андижон шаҳридаги “Мумтоз” савдо мажмуаси ёнида Ш.Салимжоновдан 1000 АҚШ доллари олган вақтида ушланади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Буни қарангки, жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида Гулсинойнинг нақ 10 ой аввал худди шундай жиноятга қўл ургани аён бўлади. Аниқланишича, Г.Ғайбуллаева 2022 йилнинг июль ойида фуқаро Дилбархон Сафарованинг ўғли Жавлон Рамзиддиновни Асака туман мудофаа ишлари бўлимига ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилган. Ҳатто она-болани бўлимда ишловчи таниши К.Тўйчиевнинг олдига суҳбатга ҳам жўнатган. Сўнг Дилбархон опага “Ўғлингиз суҳбатдан яхши ўтибди, военкоматдагиларга маъқул келибди”, дея ишонтириб, ишга кириш учун 1500 АҚШ доллари бериши кераклигини айтган. Лекин пора бериш жиноят эканлигини билган Д.Сафарова ДХХ Шаҳрихон туман бўлимига мурожаат қилиб, Г.Ғайбуллаевага қонуний чора кўришни сўраган. Натижада “қаҳрамон”имиз 2022 йил 29 июль куни Шаҳрихон туманидаги “Барака” ошхонаси яқинида Дилбархон Сафаровадан 1500 АҚШ долларини олган пайтида қўлга тушган. Бу қилмиши эвазига жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2022 йил 6 декабрдаги ҳукмига мувофиқ, Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, кодекснинг 59-моддаси 2-қисми тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига маҳкум этилган. Аммо....

Аммо юқорида воқиф бўлганингиздек, кўзи очилмаган аёл ахлоқ тузатиш иши жазосини ўтаётган маҳали такроран коррупциявий жиноятни содир этди. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди уни Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28, 211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топган ҳолда 5 йилу 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилди. Ҳукм чиқаришда суд кодекснинг 60,61-моддалари тартибида судланувчининг ўталмай қолган 1 йил 3 ойлик ахлоқ тузатиш иши жазосини ҳам инобатга олди.

Эслатиб ўтамиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб “9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни” сифатида нишонлаб келинмоқда. Бош Ассамблея резолюциясида айтилишича, бу кунни белгилашдан мақсад, коррупция муаммосининг туб моҳиятини тушуниб етиш ва коррупция билан курашиш ҳамда унинг олдини олишдан иборатдир.

Эътироф этиш керак, БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Бироқ, Г.Ғайбуллаева сингари тавбасига таянмаган кимсаларнинг қилмиши бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга соя солмай қолмайди. Бинобарин, баён этилган ҳолат барчага сабоқ бўлиши лозим.

Ҳуқуқингизни биласизми?

Ҳайдовчи автобусни тўхташ жойидан фақат эшикларни ёпган ҳолда, йўловчиларни тўлиқ тушириб ва чиқариб бўлганидан сўнг юргизиши, бекатларни аниқ ва тўғри эълон қилиши, қатнов йўналиши ўзгарган тақдирда эса бу тўғрида ҳар бир бекатда эълон қилиши шарт.

Автобус салонини автобуснинг муайян тури учун белгиланган умумий сиғимидан ортиқча тўлдиришга йўл қўйилмайди.

Қонунчиликка кўра, умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар юқоридагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланиши белгиланган. (https://lex.uz/docs/112314#127103)

Ёш	Иш стажи
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

Меҳнатда жароҳат олганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Шунингдек, 20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногиронлиги бўлган шахс деб топилган фуқароларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Манба: t.me/huquqiyaxborot



Қадринг баланд бўлсин, ОНА ТИЛИМ!

21 октябрь... Билмадим, тасодифми ёки қисматми, нима бўлган тақдирда ҳам шу кун менинг туғилган куним! Айнан шу кунда, ўзбек тупрогида дунёга келганимдан, шу тилда сўзлаб ва фикрлаб ёзаётганимдан беҳад шодман. Ассалому алайкум, она тилим! Байраминг муборак бўлсин!

Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

Улуғ байрам баҳона қалбимда сақлаб юрган гапларимни айтиб олгим келди. Аслида сенинг туғилган кунинг ер бағридан биринчи майса униб чиққан кунда бошланган. У ҳамал тафтида бўй чўзган, саратон тиғида пишган, мезон палласида сараланган, далв дастурхонига қўйилган. Ва йиллар давомида она-Ватан тили бўлиб, дилдан дилга, тилдан тилга ўтиб, сайқал топган, қанот ёзиб, олам кенгликлари узра парвоз этган, дала-даштга, водийларга, ўрмонларга, тоғлар бағрига, дарёлару булоқлар бўйига қўниб ризқланган.

Ривоятларда келтирилишича, ер юзини тўфон босиб, ҳаёт ўз ҳолига қайта бошлангандан кейинги одам – Нуҳ алайҳиссалом бўлган. Унинг тўрт ўғлидан бирининг исми Ёфас эди. Уни Абу Турк деб ҳам аташган. Абу Туркка қадим Турон ерлари мулк қилиб берилган. Яна бир ўғлининг исми Сом бўлган ва унга Эрон ерлари ҳадя этилган, яна бир ўғлининг исми Хом бўлган ва унга Ҳинд ерлари ҳадя этилган. Яна бир ўғли Канъон бўлиб, у тўфонда ҳалок бўлган. Бугунги олам аҳлининг насли Нуҳ алайҳиссаломдандир. Ёфас пайғамбари мурсал бўлган. Унинг етти нафар ўғли бўлиб, исмлари – Бука, Ҳизр, Суқлоб, Дус, Бик, Чин, Камо (саккизинчиси Торах) эди. Бу воқеа ҳақида ўтмишдан келган ривоятлар асосида турк луғати соҳиби Маҳмуд Қошғарий ва сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ўз битикларида ёзиб қолдиришган.

Закий аждодларимиз олис замонларда ҳам кўнглида пишиб етилган сўзни ичларида қолдирмасдан тоғда тошга, ўрмонда пўстлоққа, чўлда терига, саҳрода суякка ёзиб, келажак авлодларга қолдиришган. Боболар ёзиб қолдирган ўша битиклар бизгача етиб келиб, уни замонамиз олимлари ўқиб, элга ёйдилар.

Ўрхун-Энасой битикларида ёзиб қолдирилган Билгахон нидоси:

“Ё сўзларимда ёлғон борми, турк будун! Бекларим, эшитинглар! Турк будунни тўплаб, эл тутишингизни тошларга ўйиб ёздим. Адашиб-айрилганингизни ҳам тошларга ўйиб, бағримни тилиб ёздим. Эй, мендан кейин қоладиган турк будун, мангу тошларга қараб фикр қилингиз, мангу тошларга қараб зикр қилингиз!”

Донишманд бобомиз Беруний ер шарининг думалоқ нусхасини ясаётган чоғида курранинг нариги томонида бир қитъа борлигини ва унда қондош халқ яшаётганлигини қалбан ҳис этган бўлса ажаб эмас. Вақтлар келиб, ўша қитъа Америка экани ва унда чиндан ҳам қондош ҳиндулар яшаётгани аён бўлди. Ҳиндулар орасида жанговор сиу қабиласи тили ва аҳоли сони жиҳатидан етакчи ўринда турган. Бироқ босқинчилар ҳиндулар устидан мустамлакачилик зулмини ўтказиб, уларни азоблаб, ўлдириб кам сонли бўлиб қолишларига сабаб бўлган. Тадқиқотчиларнинг изланишлари натижасида сиу каби майя, кечуа қабилаларининг тиллари турк тили оиласига жуда ҳам яқин экани аниқланган. Энг қизиғи, ҳинду халқи деҳқончилик илмида моҳир бўлиб, инсон истеъмол қиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маданий ҳолда етиштириб, жаҳон озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшган бўлиб чиқдилар. Чунончи, тариқ олими Аброр Каримуллиннинг маълум қилишича, *(“Жаҳон адабиёти”. 1998 йил, октябрь)* бугун дунё халқлари дастурхонини безаб турган картошка, помидор, жўхори, қовоқ, ловия, ерёнғоқ, какао, кунгабоқар каби сабзавот ва мевалар ҳиндулар меҳнатининг маҳсули ҳисобланар экан. Одамлардан йироқда яшаган бўлишса-да, қондошларимиз деҳқончилик илмида ўзига хос донг тараттанликлари катта ҳодисадир.

Бундан кўринадики, аждодларимиз қаерда, қайси замонда яшамасинлар ўзларидан муносиб из қолдиришга ҳаракат қилишган. Сўз, билим ва ахлоққа таяниб, илм-фанда буюк ишлар қилганлар. Бугун ҳам улар маърифат осмонида сўнмас юлдуз каби порлаб туришибди.

Инсоннинг дунёга келиши илм билан дир. Онадан туғилиб, ёруғ дунёга келган чақалоқ дастлабки “сўзи”ни айта бошлайди. Унинг (наздимизда) “йиғи” деб англанадиган овозида ҳам маъно яширин. Чақалоқ балки меҳрибон онасининг иссиқ бағридан жудо бўлгани учун зорланиб йиғ(сўз)лар... Балки ёруғ дунёнинг талотўпига йўлиққанидан қўрқиб йиғ(сўз)лар... Балки ёруғ дунё синовларидан қандай ўтаман, деб йиғ(сўз)лар... Бироқ митти чақалоқ овози токи уни дунёга келтиргунига қадар кучли оғриқни туйган, токи унинг дунёга келиши учун жонидан айрилишга ҳам рози бўлган она учун гўзал оҳанг бўлиб туюлади.

Инсон асосий илмни она қорнида, қолганини дунёга келиб, ақлини танигунга қадар олиб бўлиши фанда тасдиқланган. Оналарнинг ҳомиладорлик пайтида айтган сўзлари юрак остида ривожланаётган мурғаклари қулоғига етиб боради ва улар ҳар бир сўзни онг остида сақлаб қоладилар. Дунёга келгач эса, кўрганларини онгдаги тасвир ленталарига муҳрлаб қўядилар.

“Сут билан кирган, жон билан чиқади”, деб бежизга айтилмаган. Аввалда берилган тарбия азалга қадар давом этади. Инсонни тарбия шакллантирса, тилни таълим ривожлантиради. Шайх Азизиддин Насафий: **“Одамнинг софлиги ва билими ортиб борган сари унинг руҳи қайтиб борадиган мақоми ҳам юқори бўлаверади. Демак, бу мақомларнинг ҳар бирига инсон мушарраф бўлиши мумкин ва ҳеч кимнинг мақоми олдиндан белгилаб қўйилган эмас. Ҳар кимнинг мақоми – унинг маърифати ва сафосига берилган мукофотдир ва кимки кўпроқ маърифатли ва сафоли бўлса, унинг мақоми баландроқ бўлаверади”,** деган эди. Ана шу ҳақиқатни англаган момоларимиз фарзанд олдида масъул эканликларини ҳис этиб яшаганлар. Чунки дунё юзини кўриши биланоқ чақалоқ она сўзини эшитади. Она боласига яхши сўзларни эшиттирган, яхши хулқларни сингдирган, яхши тасвирларни кўрсатган бўлса, боласи кўримли, севимли, оқил бўлиб вояга етади, етилади. Буни қадим-қадимдан оналар қиз фарзандлари қулоқларига қуйиб келганлар. Буюк қудрат эгасининг Каломини ёд олдирганлар. Ёв босган замонларда душманга билдирмаслик учун илмни алла орқали бола онгига сингдирганлар. Лекин қайсидир сабабга кўра АЛЛАни унутиб қўйдик. Бу, менимча, совет даврида миллат софлигини йўқотиш мақсадида туғруқхоналарда амалга оширилди. Чақалоқ она сутидан маҳрум қилиниб, сунъий озиқлантириш орқали ўстирилди. Натижада ўша авлод гўзал қадриятини унутди, асрий хотирасидан айрилди. Бунинг таъсири бугунгача етиб келди ва телефон деган матоҳ муҳтарама зотларни ҳам осонгина ўз домига оғдириб олди. Қайси она илмдан йироқлашган бўлса, унинг боласи залолатга яқинлаша борди. Афсуски, илмсизлик оиладан токи олий илм даргоҳигача етиб борди.

Яқинда олий маълумот олган кишига ўқиган ҳикоянгизни ёзма тарзда ифодалаб беринг, деб мурожаат қилдим. У киши иши кўплиги, қўли тегмаётганлигини айтиб, бир-икки кун пайсалга солди. Мен ҳам бўш келмасдан сўрайвердим. Охири у ўқиган ҳикояси ҳақида роса шошилиб ёзгани, хатоси бўлса, кечиришимни илтимос қилиб, ёзма фикрини жўнатди. Мен олий маълумотли кишининг беҳисоб хатосидан эмас, ҳатто фикрини ифодалай олмаганидан ҳайратда қолдим. Бошқа бир раҳбарнинг қўлига газета тутқазиб, мана шу мақолани ўқиб, фикрингизни айтарсиз, деб илтимос қилдим. Лекин орадан бир ҳафта ўтиб, сўрасам, ўқишга вақт тополмаганини баҳона қилди...

Шу ўринда яна қондош ҳиндулар ҳақида гапиргим келди. Сиу, майя, кечуа ҳиндуларининг ўтмишдаги ҳаёт тарзи оғир ўтган. Улар тирикчилик азобида яшашган, фақат оғзаки сўзлашув ва қўл ишоралари орқали бир-бирилари билан мулоқот қилганлар. Қўлларида дарслик, тил қоидалари ва луғатлари бўлмаган. Босқинчилик даврида фақат жангу жадал ичра яшаганлар. Қанчадан-қанча қабилалар қирилиб кетган, жон сақлаб қолганлари бошқа қабилаларга қўшилиб кетиши натижасида ҳаёт тарзларига ҳамоҳанг тарзда тиллари ҳам ўзгариб кетган бўлиши муқаррар эди.

Лекин шундай ҳолатда ҳам жафокаш халқ қадимий тилини унутиб қўймаган. Айни замонда гаплашадиган сўзлари орасида биз бемалол тушунсак бўладиган кўпгина туркий сўзлар сақланиб қолганлиги сир эмас. Бугунги кунга келиб уларнинг ҳам дарсликлари, адабиёти, матбуот нашрлари бор. Лекин минг-минг йиллар аввал аждодларимиз билан кетган икки сўз – “кэл” “кэт” кечуа ва туркий тилларда ҳали ҳам шакл, мазмун ва товуш жиҳатидан ўзгармай, аслидай сақланиб қолибди. Ана шу икки сўз бизнинг айни замондаги кундалик муомала тилимизда тез-тез такрорланиб туради. Хўш, биз қаердан “кел”дик, қаерга “кет”япмиз? Олдимизга учинчи Ренессанс қуришдек олий мақсадни қўйганмиз. Биринчи ва иккинчи Ренессансни боболаримиз қуриб бўлган. Хўш, биз қандай қилиб учинчи Ренессансни қурамиз? Қачон ва қандай қурамиз?

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўттиз йилдан ошган бўлса-ю, ҳали-ҳануз алифбомизни муҳокама қилиб юрибмиз. Халқ кирилл алифбосида ўқисинми, лотин алифбосида ўқисинми? Лотин алифбосидаги тўртта ҳарф қандай ёзилади, деган саволга жўяли жавоб топилмаганига неча йил бўлди? Алифбони ўзгартирсак кимга зарар, кимга фойда бўлади? Тўртта ҳарф ўзгартирилса, давлат хазинасига қанча фойда ёки зарар келтирилади? Адабиётимизнинг ярми кирилл, ярми лотин алифбосида. Газеталарда ҳам шу аҳвол. Халқ китоб ёки газета ўқияптими? Минг дона китоб ёки газета ўттиз миллиондан ортиқ халққа қанчадан тегади?

> Ўрхун-Энасой битикларида ёзиб қолдирилган Билгахон нидоси:
> **“Ё сўзларимда ёлғон борми, турк будун! Бекларим, эшитинглар! Турк будунни тўплаб, эл тутишингизни тошларга ўйиб ёздим. Адашиб-айрилганингизни ҳам тошларга ўйиб, бағримни тилиб ёздим. Эй, мендан кейин қоладиган турк будун, мангу тошларга қараб фикр қилингиз, мангу тошларга қараб зикр қилингиз!”**

Ўқитувчи ўз соҳасининг, врач ўз соҳасининг, ёзувчи ўз соҳасининг, маданият ходими ўз соҳасининг, маҳалла, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, партия аъзолари ўз соҳасининг газетасини ўқимаса, ким ўқийди? Орамизда “мажбурий обуна йўқ!” деган баҳона бор. Хўп, мажбурий обуна ташкилот-муассасада ишламайдиган кишиларга йўқдир! Лекин соҳа эгаси китоб ўқимаса, газета ўқимаса, нима деган гап?! Унда хилма-хил газета-ю, китоблар ким учун чоп этиляпти? Ўзимиз ўқимаслик касалига мубтало бўла туриб, болаларимизни бу касалдан қандай қутқара оламиз? Қўлида “олий маълумотли” эканини тасдиқловчи дипломи бўла туриб, фикрини ифодалай олмайдиган, ўқишга вақт тополмайдиган, муомала маданиятидан йироқ, фикри саёз, ўз тилини унутган кишилар билан муаммоларга ечим топа оламизми? Шаҳарлардаги баланд бинолар пешлавҳасига ёзилган ажнабий сўзлар бизга нима беради? Наҳот ўша пешлавҳаларни она тилимизда ёздиришнинг имкони йўқ бўлса? Қадимий қишлоқ, маҳалла ва ҳудудлар номини халқ хотирасидан ўчириб ташлашдан мақсад нима?

Хулоса тарзида Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” номли асарида ёзилган ушбу фикрларни ҳавола қилишни маъқул топдим:

“...Ўзимиз етарли даражада қадрламаган ўзбек тили шўро замонида Америка, Япония, Европа мамлакатларида ўрганилар эди. Ильза Сиртаутас, Эдуард Олворт, Андраш Бодроглигети (АҚШ), Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмифел (ГФР), Кисао Комацу (Япония) каби атоқли профессорлар томонидан она тилимиз таҳлил қилинган ва ўқитилган. Мустақиллик йилларида улар билан дўстона алоқамиз мустаҳкамланди, янги маъно касб этди. Ўша йилларда ёзилган шеърдан:

Термуламан Ильза хонимга,
Кўзларимга ишонмай ҳайрон.
Амриқолик хушруй олима
Сўзлар эди ўзбекча равон...

Келинг, сизни она юрт учун
Фидолар бир тинглаб қувонсин.
Бу қувончдан лекин бир умр
Жудолар ҳам тингласин, ёнсин.

Ўз элати меҳридан дилин
Ёт тутганлар Сизни эшитсин,
Ўз юртида ўз она тилин
Унутганлар Сизни эшитсин...”

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон...

Тилимизнинг тарихий тараққиётининг илк босқичлари эрамиздан аввалги даврларга бориб тақалади. У бугунги кунда ўттиздан ортиқ тилни ўз ичига олган туркий тиллар оиласига мансуб тилдир. Фахр билан айтишимиз мумкинки, туркий тилда ёзилган, бизга қадар сақланиб қолган энг кўҳна ёдгорликларимиздаги ёзувларни ҳам бугун бемалол тушуна оламиз. Улардаги кўпгина сўзларнинг айнанлигича сақланиб қолгани ва ҳозир ҳам умумистеъмолда фойдаланилаётгани бунинг сабаби, десак янглишмаймиз.

Орзибону ЮСУПОВА,
Светлана УМИРОВА,
СамДУ доцентлари

Масалан, халқимизнинг севимли ёзувчиларидан бири Пиримқул Қодировнинг «Тил ва эл» асарида бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган «Алп Эр Тўнға» достони ҳақида фикр билдирилиб, Алп Эр Тўнға тилидан айтилган қуйидаги мисралар келтирилади:

Биликни югарман,
Кўнгилни тугарман.
Улуғни тиларман,
Тилакни бўларман.

Бундан икки ярим минг йил олдин битилган ушбу сатрлардаги «йиғарман» маъносидаги «югарман» сўзидан ташқари барча сўзларнинг маъноси тушунарли. Билим йиғишни кўнглимга тугаман, улуғлик тилайман, тилакни йўқлайман, мазмунидаги юқоридаги тўрт мисрадаги сўзларнинг айнан бизга етиб келгани, нутқимизда билим, улуғлик, тилак, тиламоқ каби сўзлар, кўнглига тугмоқ ибораси ҳануз фаол ишлатилаётгани тилимизнинг шунча замонлардан омон ўтиб келганлигидан далолатдир.

Қолаверса, эрамизнинг VII-VIII асрларига тегишли бўлган битиктошлар тили ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. «Култегин» битиктошида укасининг ўлимидан эзилган Билга ҳоқон тилидан шундай мисралар келтирилади:

Ўзим сақунтум,
Кўрур кўзум кўрмастек,
Билур билигим билмазтек бўлти.
Ўзим сақунтим,
Онча сақунтим,
Кўзда йаш қалтар.

Бу мисраларда «сақунтим» сўзи «соғиндим» сўзининг, «қалтар» сўзи «қалқийди» сўзининг қадимий шакли бўлиб, қолган сўзлар тушунарли. Яъни, укасининг ўлимидан азоб чеккан Билга ҳоқон ўзим соғиндим (укасини), кўрар кўзим кўрмасдек бўлди, билганим эсимдан чиқди, анча соғиндим, қайғудан кўзимдан ёш қалқийди, деб изтироб чекмоқда.

Демак, тилимиз асрлар оша фақат алоқа воситаси вазифасида эмас, балки халқимиз орзу-истаги, қувончи, қайғусини ифодалашга ҳам хизмат қилиб келган. Ёки XI асрда яратилган, бироқ келтирилган мисоллари ундан-да қадимийроқ бўлган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридаги ҳар бир шеър, афсона, мақолларга қарасак, тилимиз неча-неча аждодларимизга беминнат хизмат қилиб келаётганини чуқурроқ англаймиз:

Улуғлуқуғ бўлса сен эзгу қилин,
Бўлғил кишиг Беклар қатин жахши улан.

Бу мисраларда англаганимиздек, улуғликка (мартаба ва даражага) етишсанг, хулқингни яхши қил, амирлар олдида яхшилик етказувчи бўл, дейилмоқда.

Тарихдан маълумки, тилимиз ўлкамизда ҳукм сурган ҳукмдорларнинг давлат ишларини юритишдаги асосий тили бўлган. Агар шундай бўлмаганда, машҳур Турк ҳоқони Билга ҳоқон ва унинг саркардаси Тўнюқуқ ўз ҳаёт йўли акс этган битиктошларни шу тилда ёздирмаган бўлар эди. Қорахонийлар даврида яратилган, давлат бошқарувига оид «Қутадғу билиг» асари, буюк саркарда Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари бу тилда ёзилмас эди.

Тилимиз ўша даврлардаёқ Мовароуннаҳр ва Хуросон бўйлаб кенг тарқалган ва истеъмолда бўлгани сабабли шайх ул-машойих Аҳмад Яссавий ўз «Ҳикматлар»ини шу тилда ёзган ва минглаб ихлосмандларига ислом ғоялари, тариқат одобини шу тилда тушунтирган. Ҳатто ҳикматларида «Отим Аҳмад, Туркистондир элим менинг, Юртим турк, элим турк, тилим туркдир. Тилим кўп тиллардан кўрукликдир» деб ифтихор этган.

Тилимиз бир неча минг йиллар аждодларимизнинг она тили ҳисобланиб келгани учун унинг келажаги тўғрисида курашлар, хатти-ҳаракатлар тўхтамаган. Ҳазрат Алишер Навоий умрбоқий асарларини шу тилда ёзган, бу тилнинг бошқа тиллардан қолишмаслигини назарий жиҳатдан «Муҳокамат ул-луғатайн» асари, амалий жиҳатдан «Хамса» асари ва минглаб ғазал, рубоийлари орқали исботлаган. Бу тил илм тили бўла олишини «Мезон ул-авзон» асари билан, расмий баёнда ҳам бошқа тиллардан қолишмаслигини «Вақфия», «Муншаот» асарлари билан далиллаган.

Алишер Навоийнинг тилимиз равнақи борасидаги бу ишлари кейинчалик ҳам давом эттирилган. Айниқса, ўтган асрнинг бошларида тилимизга сиёсий тизимнинг салбий таъсири сезила бошлагач, жадид алломаларимиз тил қайғусини миллат қайғуси даражасига кўтардилар. Улар нафақат Ватан мустақиллиги, халқ эрки учун курашдилар, балки тилимиз софлиги, унинг келажаги хусусида ҳам жиддий ишлар олиб бордилар. XX асрнинг бошларида ўзбек тили бўйича дарсликлар, илмий тадқиқотлар яратила бошланди. Тилимиз фидойилари томонидан «Тил сабоқлиғи» (1924), «Ўзбекча тил сабоқлиғи» (Мунаввар Қори ва бошқалар. 1925), «Тил қоидалари» (Ш.Зуннун. 1929), «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» (А.Фитрат) каби дарсликлар чиқарилиб, она тилимиз фонетикаси, лексикологияси, грамматикаси, пунктуациясининг ривожланишига туртки бўлди.

Хуллас, қанча-қанча қийинчиликлар, тўсиқларга қарамай, аждодларимиз тилимизни авайлаб, бутун жозибаси, куч-қудратини асослаб, бор имкониятларини далиллаб, ривожлантириб, бизга етказиб беришди. Ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар. Ва шу орқали тилимизнинг умрбоқий бўлиши, замонлар оша ўлкамизда янграшини таъминлаганлар. Аждодларимиз сингари биз ҳам фахримиз, қадримиз бўлган она тилимизни асрашимиз, келажак авлодга софлигича, бор жилоси билан етказишимиз керак.

Миллий тафаккур рамзи ва тараққиёт асоси



Тил инсоният тамаддуни учун чексиз аҳамиятга эга бўлган энг буюк ихтиролардан бири. Тил – миллатнинг руҳи. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди.

Моҳира ХОЛИҚОВА,
Тошкент шаҳар педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази директори

Дунёда 7 мингга яқин тил бор. Она тилида мулоқот ҳажмига кўра хитой, ҳинд, инглиз, испан, араб, португал, рус тилларининг миқёси баланд.

Тил мавжудлигининг асосий шартларидан бири ёзувдир. Ёзув тилнинг фонетик, грамматик, синтактик, семиотик тизими, ёзма белгилари (графема, иероглиф, пиктограмма) тўплами. Ёзув тилни тартибга солиш, чексиз ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, кўпайтириш ва тарқатиш воситасидир. Илк ёзувлар эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликда (Мессопотамия, Шумерлар давлати) вужудга келган.

Қадимги турк ёзма ёдгорликларидан бири дастлаб Енисей ва Ўрхун дарёлари бўйларида топилганлиги учун улар Ўрхун-Енисей ёзувлари дейилади. Ўрхун-Енисей тошбитикларини тадқиқ этиш қадимги турк тамаддуни, туркий халқлар маданияти, лингвистика, тарих, рунология соҳасидаги тадқиқотлар ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Тил миллатнинг маънавияти, маданияти, когнитив тасаввурлари, миллий менталитети, ўзига хослиги, турмуш тарзи, урф-одати, этнопсихологияси, феъл-атворини англатади. Фольклор, ҳикматли сўзлар, мақоллар, достонлар, қўшиқлар, илмий ва бадиий асарлар миллатнинг она тилида дунёга келади.

Глобаллашув, ахборот жамияти, техноген тараққиёт тилларнинг мавжудлигига ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

Таҳлилларга кўра, сайёрамизда мавжуд тилларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Тилнинг йўқолиши умуминсоний тамаддун учун мислсиз катта йўқотишдир. Зеро, ҳар бир тил ушбу тилда сўзлашувчи миллат, элат, этнос маданий меросининг яхлит бўлагидир.

Дунёда мавжуд тилларнинг 96 фоизида атиги 3 фоиз дунё аҳолиси мулоқот қилади. Папуас гуруҳига мансуб итери тилида 400га яқин сўзлашувчи бор. 360 тилда 50 нафардан кам сўзлашувчи қолган. Масалан, ғарбий чад тили зангвал (zangwal)да 40 га яқин сўзлашувчи қолган.

Австралия аборигенларининг тили бўлмиш тьивалида охирги сўзлашувчи Жек Батлер қолган. Фанни Кокрейн Смит Тасманиянинг сўнгги аборигенларидан бири. Гризельда Кристин лив тилини тўлиқ ўзлаштирган ягона вакили эди. Унинг вафотидан сўнг ер юзида лив тилида тўлақонли сўзлаша оладиган инсон қолмади.

ЮНЕСКО томонидан яратилган йўқолиб бораётган тилларнинг "Қизил китоб"и жаҳон ҳамжамияти эътиборини умумбашарий тамаддун, тиллар, маданий хилма-хилликни сақлаб қолишга қаратилган. Дунё тиллари орасида тарқалиш ҳудуди жуда кенг бўлган туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг ўз ўрни ва мақоми бор.

Бугунги кунда ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этади. Ўзбек тили Ўзбекистон ҳудудидан ташқари Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Россия, Туркияда кенг тарқалган. Ўзбек тили лексик-грамматик жиҳатдан уйғур тили ҳамда чиғатой гуруҳига яқин туради. Ўзбек тилининг лексик-грамматик қатламига араб ва форс тилининг кучли таъсири мавжуд. Тилнинг генезисида қарлуқ, қипчоқ, ўғуз диалектлари иштирок этган.

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг мавқеини юксалтириш йўлида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Шайхзода Атойи, Лутфий, Саккокий, Хожа Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Носириддин Рабғузий, Мунис Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Бобур, Ҳофиз Хоразмий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Аваз Ўтар, Фурқат, Муқимий ва бошқа шу каби мутафаккирлар беқиёс ҳисса қўшдилар.

Бу йўлда қутлуғ ҳаракат буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодида оламшумул ғалаба билан якунланди. Улуғ аллома "Хамса", "Муҳокамат ул-луғатайн" каби шоҳ асарларида туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясидаги тутган ўрни ва оламшумул вазифаси ҳақидаги таълимотни ярата туриб, туркий тилимизнинг бутун Турон заминига сочилиб кетган сўз, лаҳжалари бойликларини тўплаш, авайлаб-асраш, такомилга етказиш, уни юксак адабиёт, санъат, илм-фан ва сиёсат даражасига кўтариш борасида саъй-ҳаракатлар қилиш зарурлигини уқтирган ҳолда, ўзи бунга бутун ижоди давомида тўла риоя қилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди ҳамда фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат тилларига ҳурмат кўрсатилади ва уларнинг ривожи учун шароитлар яратилади.

Таъкидлаш лозимки, сайёрамиздаги 7 мингга яқин тилнинг 200 тасигина давлат тили сифатида қабул қилинган.

Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Тилларни сақлаб қолиш халқларнинг маънавияти, маданияти, миллий тафаккури, урф-одати, тарихининг сақлаб қолинишини англатади. Чунки халқ тақдири тил тақдири билан бевосита боғлиқ. Тил мамлакат тараққиёти ва келажагини белгилайди.

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир. Уни авайлаб-асрашга ҳаммамиз масъулмиз.

Тилимиз юксак минбарларда жаранглamoқда

Гулсанам НОРОВА,
Навоий давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Тил – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати. Шу сабаб ҳам Юртбошимиз ўз чиқишларида доимо она тилимизга алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, жорий йилнинг 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлагани ва кўтарилган глобал масалалар бўйича таклифлар билдиргани ҳам фикримиз исботидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг тарихи, урф-одати ва маданияти унинг тили орқали намоён бўлади. Юртбошимизнинг жаҳон минбарида туриб ўзбек тилида сўзлаган нутқини тинглар эканман, тилимиз равнақи ва ривожи учун ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлаётган илм кишиси сифатида қалбимда ифтихор туйғулари яна бир бор жўш урди.

Дунё минбарида ўзбек тилида нутқ сўзлаган Президентимиз бир қатор устувор масалаларни илгари сурди. БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Президентимиз томонидан айтилган масалалар, билдирилган таклифлар соф ўзбек тилида жаранглаганлиги болаларимизнинг тилимизни мукаммал ўрганишига пойдевор вазифасини ўтайди, албатта.

Тилимиз халқнинг энг нодир бойлиги, руҳи ва қанотидир. Зеро, қалбимиздаги ҳисларни, онгимиздаги фикрларни биз, аввало, она тилимизда ифодалаймиз. Шундай экан, бугун таълим тизимида ўзбек тилини мукаммал тарзда фарзандларимизга ўргатиш, уларга соф ўзбекона сўз ва иборалардан фойдаланиши учун етарли билим ҳамда кўникма бериш биз, ўқитувчиларнинг асосий вазифамиздир.

Дарҳақиқат, таълим сифати тараққиёт пойдевори бўлибгина қолмай, ватанпарвар ёшларнинг камол топишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тилимизга бўлган меҳр, ҳурмат ва эҳтиромни Юртбошимиз олиб бораётган ҳар бир саъй-ҳаракатда кўришимиз мумкин. Бу хайрли йўлни давом эттирмоқ эса барчамизнинг муқаддас бурчимиздир!



Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз. Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма – кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам – халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказади. Нодоннинг ваҳшийларча бақирмоғи – эшакнинг бемаҳал ҳанграмоғи. Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади, кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз ғам – унинг сўзи билан даф бўлади. Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун ҳам айтадиларки, "нафаснинг жони бор…"

Ўзи хунук, гапи бемаъни, овози ёқимсиз одам қурбақага ўхшайди. Бахт бағишловчи тоза руҳ манбаи ҳам тил; ёмонликлар келтирувчи наҳс юлдузининг чиқар жойи ҳам тил. Тилини тиёлган одам – донишманд оқил; сўзга эрк берган одам – беандиша ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса яна яхши. Тил билан дил – инсондаги энг яхши аъзолардир. Бўстонда – гулсафсар, гулғунча ва райҳонлар энг ёқимли гуллардир.

Одам – тили билан бошқа ҳайвонлардан имтиёзлидир. Унинг тили орқали бошқа одамлардан афзаллиги билинади. Тил – шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса, тилнинг офатидир.



Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!

Одамларки бор, бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлантириб ойлигини олаверади; ўқиш-ўрганиш билан ўзбек тилининг имкониятидан тўлароқ фойдаланишни истамайди ёки бунга фаросати етмайди.

Мана шунақа одамларнинг дангасалиги ёки фаросатсизлиги, аламулла олимларнинг "илмий фаолияти" оқибатида шундай бир тил вужудга келганки, на муомалада, на оилада, на суҳбатда ҳеч ким бу тилда гапирмайди; на ошиқ маъшуқасига, на ота боласига, на бола онасига бу тилда хат ёзади... Бу тилни фақат микрофон кўтаради. Бунга фақат микрофон тоқат қилади.

Бизнинг матбуот ва радио тили нима учун кундан-кун халқ тилидан узоқлашиб бораётибди? Нима учун тилимизнинг қонун-қоидалари бузилаётибди? Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?

Бебаҳо хазина

"Адолат" СДП Қарши туман кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан Ёшлар марказида "Тил – миллат хазинаси" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Сарвиноз КАРИМОВА,
Қарши туманидаги 69-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганлигининг 34 йиллиги муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирида педагоглар, партия фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

– *Тил – миллат кўзгуси, деб бежизга айтилмаган,* – деди партия фаоли, ҳуқуқшунос Баҳоргул Намозова ўз маърузасида. – *Негаки, унда ўзбек халқининг олис ўтмишидан тортиб, то бугунги Янги Ўзбекистонгача бўлган даври, маданияти, маънавияти мужассам. Тил ҳар бир одамнинг онглилик, фаоллик даражасини белгиловчи омил ҳам саналади. Шу билан биргаликда, у ҳар қандай миллатни дунёга танитадиган маънавий асос, қолаверса, унинг муҳим белгиси, узвий ва ажралмас бир бўлагидир. Дарҳақиқат, тиллар – инсониятнинг умумий бойлиги. Инсоннинг тилини билмасдан туриб, у билан фикрлашиб бўлмайди. Зеро, тил билган – дил билади. Бошқа бир халқнинг маданиятини англаш, ўрганиш учун ҳам ўша халқ миллий тилини билиш талаб этилади.*

– *Ўзбек тили дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир,* – деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Руиддин Раупов. – *Унинг ҳар томонлама софлиги, пурмаънолиги, таъсирчанлиги, сержилолиги, гўзаллиги, бойлигига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Бироқ кейинги йилларда она тилимизнинг софлигини, беғуборлигини асрашга етарли эътибор берилмаяпти. Вилоятимиз маркази Қарши шаҳри ва туманларда фаолият юритаётган айрим корхона, ташкилот, муассасалар ва тадбиркорлик шаҳобчалари пештоқидаги ёзувлар хорижий тилларда битилгани кўнгилларни ранжитади. Бундай ҳолни, тилга эътиборсизликни ҳамма жойда кузатишимиз мумкин. Халқимизнинг ўз тилига, элига, ватанига бўлган чексиз муҳаббати, ижодкорлик қудрати тил масалаларига миллийлик нуқтаи назари билан ёндашишда намоён бўлади. Бу борада улуғ Навоий бобомизнинг "Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз" деган ҳикмати неча аср ўтса ҳам ўзининг маъно-моҳиятини йўқотмай келаяпти.*

Тадбирда алоҳида қайд этиб ўтилганидек, тил – миллатнинг юрагидир. Мана, 34 йилки, тилимиз Давлит тили мақомига эга. Шуни унутмаслик керакки, тилга ҳурмат – элга ҳурмат – юксак инсоний фазилат ҳисобланади.

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Зуҳра ИБРАГИМОВА, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Умиджон СУЛАЙМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

Котибият – 71 288-42-14 (144);
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими – 90 900-72-15

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1000

Адади – 6026
Босишга топширилиш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.